

А Ж Р И М

(Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисида)

2022 йил апрель ойининг 20 кунида жиноят ишлари бўйича Конимех туман судининг сайёр суд мажлиси Конимех тумани “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: М.Ж.Райимов,

судья ёрдамчиси Ҳ.Бобоқуловнинг котиблигида, томонлардан Конимех туман прокурорининг ўринбосари М.Ҳамраев ва Конимех тумани ИИО пробаця гуруҳи катта инспектори Э.Саттаровларнинг иштирокида, маҳкум Кенжаев Базарбай Хамидовичга нисбатан “Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисида”ги Конимех тумани ИИО пробаця гуруҳи катта инспекторининг тақдимномасини иш хужжатлари билан бирга кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

Маҳкум Кенжаев Базарбай Хамидович, 1978 йил 24 сентябрь куни Навоий вилояти, Конимех туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 4 нафар фарзанди бор, Зафаробод Кон бошқармасида ишчи, муқаддам судланмаган, Навоий вилояти, Конимех тумани, “Юксалиш” маҳалласи, “Қумрабод” қишлоғида яшайди.

Суд, 1-3-2104-2201/34-сонли иш юзасидан прокурор ўринбосари ва вакилнинг фикрларини ҳамда маҳкумнинг баёнотини тинглаб, иш хужжатларини таҳлил қилиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Конимех тумани ИИО Пробаця гуруҳи катта инспектори судга тақдимнома билан мурожаат қилиб, унда маҳкум Кенжаев Базарбай Хамидович 2020 йил 29 май кунидаги жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “а” банди ва 117-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 4 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлангани, 2020 йил 26 июнь кунида жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъатининг ажримига кўра, жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг ҳукми ўзгартирилиб, судланувчи Кенжаев Базарбай Хамидовичнинг ҳаракатларида ЖК 117-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги сабабли ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан ушбу модда билан оқлангани ва ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазо бекор қилингани, ЖК 104-моддаси 2-қисмининг “в” бандидан шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилиниб, 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлангани, судининг ажрими Конимех туман ИИО Пробаця гуруҳи 2020 йил 29 август куни ҳисобга олиб, ижро учун қабул қилгани,



Пробация гуруҳи инспектори томонидан унга жазони ўташ тартиб ва қоидалари тушунтирилгани, ундан бу ҳақида тилхат ва тушунтириш хатлари олингани, профилактик суҳбатлардан ўтказилгани, у тайинланган озодликни чеклаш жазони ўташ даврида белгиланган тартиб ва қоидаларга амал қилганлиги, бирор марта ножуя хатти-ҳаракатлар содир қилмагани, тайинланган жазони учдан бир қисмидан кўпроғини ҳақиқатда ўтаганлиги, шу сабабли ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўраган.

Суд мажлисида Конимех туман ИИО Пробация гуруҳи вакили Э.Саттаров келтирилган тақдимномани қўллаб, ҳақиқатан ҳам маҳкум Б.Кенжаев Конимех туман ИИБ Пробация гуруҳи 2020 йил 29 август кунини ҳисобга олиб, ижро учун қабул қилгани, маҳкум Б.Кенжаев Конимех туман ИИО Пробация гуруҳига таклиф қилиниб, унга жазони ўташ тартиб қоидалари, талаблари тушунтирилиб, ундан бу ҳақида тилхат ва тушунтириш хатлари олингани, профилактик суҳбатлардан ўтказилгани, у ахлоқ тузатиш ишлари жазони ўташ даврида белгиланган тартиб ва қоидаларга амал қилганлиги, бирор марта ножуя хатти-ҳаракатлар содир қилмагани, тайинланган жазони ярмидан кўпроғини ҳақиқатда ўтаганлиги, уни ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилишни ва тақдимномани қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида сўралган маҳкум Б.Кенжаев, унга тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўтаётганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, келгусида бундай хато ва камчиликларга йўл қўймаслиги, содир қилган жиноятини тушуниб етганлиги, оилавий аҳволини инобатга олиб, уни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўради.

Суд мажлисида Конимех туман прокурорининг ўринбосари М.Ҳамраев Конимех тумани ИИО пробация гуруҳи катта инспектори томонидан тақдим этилган тақдимномани қаноатлантиришни ва маҳкум Б.Кенжаевни жазони ўташ даврида бирор марта ножуя хатти-ҳаракатлар содир қилмаганлиги сабабли уни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўради.

Суд, ишда тўпланган барча ҳужжатларни атрофлича ўрганиб чиқиб, прокурор ўринбосари ва вакилнинг фикрларини ҳамда маҳкум Б.Кенжаевнинг баёнотини тинглаб, қуйидагиларга асосан ушбу тақдимномани қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандида маҳкум содир қилган унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниши мумкинлиги, шахс ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, юқорида кўрсатилганларни инобатга олиб, Кенжаев Базарбай Хамидович жазони ўташ давомида ўрнатилган тартиб-қоида



талабларини бажарганлиги, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги, тузалиш йўлига кирганлиги, қилмишидан пушаймонлиги, тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг учдан бир қисмидан кўпроғини ўтаб бўлганлигини инобатга олиб, маҳкум Б.Кенжаевнинг жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақидаги тақдимномасини қаноатлантиришни, Б.Кенжаевнинг ўталмай қолган 1 йил 4 ой 8 кун озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни ҳамда Б.Кенжаевга жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган даврда қасддан янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси талабларига кўра илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшиши мумкинлигини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 423, 541-542-моддаларини қўллаб, суд ажрим қилади

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Конимех тумани ИИО пробаця гуруҳи катта инспекторининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Кенжаев Базарбай Хамидовичнинг ўталмай қолган 1 (бир) йил 4 (тўрт) ой 8 (саккиз) кун озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Кенжаев Базарбай Хамидовичга жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган даврда қасддан янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига ЖКнинг 60-моддаси талабларига кўра илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида шу суд орқали Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибда хусусий шикоят берилиши ёки прокурор хусусий протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:
Нусхаси аслига тўғри:

(имзо)

М.Ж.Райимов

Раислик қилувчи:

М.Ж.Райимов

